

## **ШАЙХ МУХЙИДДИН ИБН АЛ-АРАБИЙ – ИСЛОМ ТЕОЛОГИЯСИ ВА ТЕОСОФИЯСИННИГ ЙИРИК НАМОЯНДАСИ**

**Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич,**

*Тошкент давлат шарқшунослик университети*

*“Манбашиунослик ва тасаввуф герменевтикаси” кафедраси доценти,*

*фалсафа фанлари доктори (DSc)*

*[jafarmuhammad@mail.ru](mailto:jafarmuhammad@mail.ru)*

**Аннотация:** Ирфон фалсафаси ислом оламида “Шайх ул-акбар” – “Энг улуг шайх” номи билан танилган Мухийиддин ибн ал-Арабий (м. 1165-1240) нинг теософик-теологик таълимоти орқали ўзининг юксак чўққисига кўтарилиди. Ибн ал-Арабийнинг “Ваҳдат ул-вужуд” – борлиқнинг бирлиги ҳақидаги фалсафаси бутун Мусулмон Шарқини қамраб олди ва Ғарб файласуфларининг қарашларига ҳам ижобий таъсир етказди. Марказий ОСиё – Мовароуннаҳрда Ҳанафия мазҳабига асосланган Нақшбандия тариқати ҳам Ибн ал-Арабийнинг “Ваҳдат ул-вужуд” теологик фалсафаси таъсиридан четда қолмаган.

Ушбу мақолада Ибн ал-Арабий ва унинг Ваҳдат ул-вужуд теологик-фалсафий таълимотининг асл мазмун-моҳияти хусусида фикр юритилар экан, ушбу таълимотнинг нозик ва мураккаб жиҳатларига ойдинлик киритилади.

**Калит сўзлар:** Ислом фалсафаси, Ибн ал-Арабий, теологик-фалсафий таълимот, тасаввуф, ирфон фалсафаси, Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси, Ҳақ таъоло, Мусулмон Шарқи, Нақшбандия, борлиқ, Мутлақ вужуд, ғоя, таъсир.

**Аннотация:** Философия Ирфан достиг своего апогея через теологическо-теософское учение Мухийиддина ибн аль-Араби (ум. 1165-1240), известного на исламском мире как «Шейх уль-Акбар» – «Величайший шейх». Философия Ибн ал-Араби «Ваҳдат уль-вуджуд» – единства бытия, пронизала весь мусульманский Восток и оказала положительное влияние на взгляды западных философов. На Центральной Азии, суфийский орден Накшбандия, основанная на ханафитском мазхабе, также находилась под влиянием теологической философии Ваҳдат уль-Вуджуда Ибн аль-Араби. В этой статье также разъясняются тонкости и сложности теологическо-философский учений Ваҳдат аль-Вуджуд Ибн аль-Араби.



**Ключевые слова:** Исламская философия, Ибн аль-Араби, теология, теософия, богословско-философское учение, мистицизм, философия гноезиса, философия Вахдат уль-вуджуд, Хакк таала, мусульманский Восток, Накшбанди, бытие, Абсолютное бытие, идея, влияние.

Ислом фалсафий тафаккури, айниқса, тасаввуф тарихида кескин баҳс-мунозаралар, қарама-қарши ёндошувлар ва муросасиз тортишувларга сабаб бўлган ғоялар ва таълимотлар оз эмас. Бундай таълимотларнинг муаллифларидан тақдири фожиали тарзда якун топган ва мутаассиблик қурбони бўлган Мансур Ҳаллож, Айнулқуззот Ҳамадоний, Насимий ва Бобораҳим Машраб каби мутасавифларни алоҳида зикр этиб ўтишга тўғри келади. Тақдири фожиа билан якун топмаган бўлса-да, Мусулмон Шарқида ўзининг фалсафий қарашлари, кутилмаган ғоялари билан катта фикрий инқилоб яратган ва баъзи уламолар томонидан “кофир”, деган тамға босилган буюк мутафаккир, илоҳиётшунос-файласуф ва шоир Шайх ул-акбар Муҳиддин Ибн ал-Арабийнинг фалсафий-ирфоний мактабини ҳам ана шундай таълимотлар сирасига қўшиш мумкин. Ибн ал-Арабийнинг баъзи бир қарашларини христианлик эътиқодидан олинган, деган олимлар ва тадқиқотчилар ҳам бор. Айниқса, унинг таслис аҳли (муқаддас учликка эътиқод қилгувчилар), яъни насронийларнинг Аб (ота), Ибн (ўғил) ва Рух ул-кудс (Муқаддас рух)га эътиқод қилишларини қўллаб-қувватлаши ва буни ҳам Тавҳиднинг бир тури – “тавҳиди мураккаб”, деб аташи каби айрим ҳолатлар баъзи бир ислом уламолари ва Ғарб тадқиқотчиларида шубҳа уйғотган [9. С.777.]. Жумладан, испан шарқшуноси М. Асин Палагиос унинг таълимотини насронийлаштирилган (христианлаштирилган) ислом, дея баҳолаган.

Ибн ал-Арабийнинг Вахдат ул-вужуд ҳақидаги таълимотини бир томондан Ашъария калом фалсафасининг йирик вакили Имом Фаҳр Розий номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Умар Ашъарий (х.к. 544-604), Суҳравардия тариқатининг асосчиси Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Суҳравардий Шофеъий (х.к. 539-633), Ибн Нажкор номи билан машҳур бўлган шофеъий мазҳаб муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳибиддин Муҳаммад ибн Маҳмуд Шофеъий, шофеий мазҳабидаги фақиҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Яхё Шофеъий Дубайсий Воситий (х.к. 558-637), Шайх Нажмиддин Кубро издошларидан Саъдиддин Муҳаммад ибн Муайяд ибн Абдуллоҳ ибн Али ибн Ҳаммуя (х.к. 587-650), Ибн Аббор номи билан машҳур бўлган муҳаддис ва фақиҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Абу Бақр Қузоий Балансий (х.к. 595-658), фақиҳ Азизиддин Абдулазиз ибн Абдуссалом (х.к.



578-660), тарихчи ва жўғрофийдон олим Абу Абдуллоҳ Зикриё ибн Маҳмуд (х.к. 605-682), Маждиддин Муҳаммад ибн Яъқуб Фирузободий (х.к. 727-811), Шайх Абулҳасан Али ибн Иброҳим ибн Абдуллоҳ Қорий Бағдодий (ваф. х.к. 821), Шайх Муҳаммад ибн Музафариiddин ибн Муҳаммад Абулфатҳ (ваф. х.к. 926), сўфий ва улуғ факих Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад Али Ансорий Шофеъий (Шаъроний, ваф. х.к. 973), шиъий факих ва мутакаллим Сайид Шаҳид Қозий Нуруллоҳ Шустарий (х.к. 956-1019) қаби ўнаб машхур мутафаккирлар ва шариат уламолари қўллаб-қувватлаган, Шайх Садриддин Қунавий, Шайх Фахриддин Ироқий, Хожа Муҳаммад Порсо ва Мавлоно Абдураҳмон Жомий каби тасаввуф таълимотининг буюк намояндалари таржима ва шарҳлаган бўлсалар, иккинчи томондан, яна бир гурух дин уламолари, мутакаллим ва сўфийлар қаттиқ танқид қилганлар. Жумладан, эронлик мутафаккир Алоуддвала Симоний (х.к. 659-736) Ибн ал-Арабийнинг “Футухот ул-Маккия” номли асарига ҳошия (изоҳлар) ёзиб, Шайх ул-Акбарнинг ваҳдат ул-вужудий қарашлари, жумладан, Ҳақ Таолони “Мутлақ Вужуд” деб аташини қоралаган [5. С.526.].

Муҳйиддин ибн ал-Арабий ислом фалсафий тафаккури тарихида ўзидан бой илмий-адабий мерос қолдирган энг буюк мутафаккирлардан бири ҳисобланади. Кейинги давр мутафаккирларидан Абдулваҳҳоб Шаъроний унинг асарлари сонини 400 дан ортиқ, деб билса [14. С.8.], Мавлоно Жомий уларнинг сонини 500 дан ортиқ, деб ҳисоблади [6. С.546.]. “Ҳадят ул-орифийн” муаллифи эса Ибн ал-Арабийнинг 475 та асарини санаб ўтади [2. С.114-121.]. Олмон шарқшунос олими Карл Брокельманнинг аниқлашича, уларнинг сони 150 жилни ташкил этади [1.С.571-582.]. Эронлик тасаввуфшунос олим Муҳсин Жаҳонгирий эса Ибн ал-Арабийнинг 511 та асарининг рўйхатини келтиради [5. С.108-134.]. Нима бўлган тақдирда ҳам Ибн ал-Арабийдан бой илмий ва адабий мерос қолган ва бу маънавий мероснинг катта бир қисми тасаввуф ва ирфон, калом (илоҳиёт), фалсафа, тафсир, ахлоқ, фиқҳ ва тарих илмларига тегишли. Ибн ал-Арабий яхши шоир ҳам бўлган, ишқий-ирфоний ғазаллар ва қитъаларидан таркиб топган девони – “Таржумон ул-ашвоқ” билан шоир сифатида ҳам катта шуҳрат қозонган.

Ибн ал-Арабийнинг XIII асргача яшаб, ижод этган издошлари ва ихлосмандларининг барчаси турли фиқҳий мазҳаблар ва турли ирфоний тариқатларга мансуб бўлганлар. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам Ибн ал-Арабийнинг бирон-бир фиқҳий ва ақидавий мазҳаб доирасида чегараланмаганидан дарак беради. Акс ҳолда турли мазҳаб ва фирмаларга мансуб бўлган ориф ва мутафаккирлар унинг қарашларига қизиқмаган бўлур эдилар.



Ибн ал-Арабий ҳар бир фиқхий ва теологик масалани ирфон фалсафаси мезонлари асосида ўлчайди, қайси масалада бўлмасин, инсон тафаккури ва ички ҳиссий қобилиятларининг юксаклигини намойиш этишга ҳаракат қиласди. Бу ҳолат айниқса, унинг Шарқу Ғарбда машҳур бўлиб кетган асрлари – “Фусус ул-ҳикам” ва “Футухот ул-Маккия” мисолида яққол кўзга ташланади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ислом фалсафий-ирфоний тафаккури тарихида бирор китоб “Фусус ул-ҳикам”чалик машҳур бўлган эмас. Бу китоб, ислом фалсафий тафаккури тарихида катта янгилик, ҳатто, айтиши мумкинки, фикрий инқилоб бўлганлиги учун ҳам ўрта асрларда олимлар ўртасида қизгин баҳс-мунозара ва турлича шарҳу талқинларга сабаб бўлди. Жумладан, буюк мутафаккир, шоир, ирфон фалсафасининг XV асрдаги йирик намояндаси – Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг диний ва фалсафий-ирфоний қарашлари, гарчи ҳанафия мазҳаби ва нақшбандия тариқати чизиги билан чегараланган бўлса-да, маълум даражада Ибн ал-Арабий таълимоти билан уйғунлашган шаклда намоён бўлади.

Ибн ал-Арабий таълимотида “вужуд” (Борлик) билан “Оlam” икки алоҳида категория ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, олам вужуд бўлолмайди. Демак, у Мутлак Вужуддан бир нарсадир: “Оlam Ҳакнинг айни ўзи эмас. У бутунлай Ҳақ вужудида зоҳир бўлган бир нарсадир” [9. С.227.].

Аҳли сунна вал-жамоа эътиқодига эргашувчи ашъарий мутакаллимлар (илоҳиётшунослар – Ж.Х.) “Вужуд” билан боғлиқ тушунчаларни қуидагича изоҳлайдилар:

1. Вожиб ул-вужуд – Аллоҳ таъоло мавжудлигининг зарурлиги.
2. Мумкин ул-вужуд – “Мумкин” саналган вужудларни Аллоҳ яратмаса ҳам бўларди, аммо яратди.
3. Мумтанеъ ул-вужуд – мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган вужуд. Яъни, Аллоҳнинг шериги мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Қайд этиш лозимки, Ибн ал-Арабий таълимотидаги “Вожиб ал-вужуд” тушунчаси “Вужуд” категорияси каби Шарқ аристотелизми намояндалари – Форобий, Ибн Сино ва Хайём фалсафасидаги “Вожиб ул-вужуд” категорияси билан маънодош, аммо кўпроқ диний-ирфоний маъно ва мазмун касб этган.

Аксар ваҳдат ул-вужудчи олимлар нуқтаи назаридан, Аллоҳ таъоло борлиқдаги мавжудотларни йўқдан бор қилган эмас, балки Ўзидан яратган. Аммо Аҳли сунна вал-жамоат илоҳиётшунослари нуқтаи назаридан, Аллоҳ таъоло оламдаги барча мавжудотларни йўқдан бор қилди, яъни йўқдан яратди.

Ибн ал-Арабий ва унинг издошлари талқин этаган Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси оламдаги барча мавжудотлар – моддий ва номоддий, жонли ва



жонсиз ашёлар бирлашиб, бутун бир Мутлақ Вужудни ташкил этади, деган фикрға асосланган таълимот әмас. Аксинча, Ваҳдат ул-вужуд таълимоти бутун Борлиқ ягона ва ҳақиқий мавжудликдан иборат, бу якка-ягона мавжудлик Аллоҳ таолодир, деган фикрға асосланган. Яъни, бу таълимотнинг негизида ширк ёки дахрийлик әмас, балки Тавхиднинг энг олий намунаси ётади. Бошқача айтганда, “Ваҳдат ул-вужуд назариясига кўра, олам Мутлақ Зоти мукаррам – Ҳақ таолонинг ўз ҳусну жамоли, құдрат ва сифатларини намоён этиш истагидан пайдо бўлган. Яъни, Ҳақ таоло ўз-ўзини таниш учун Борлиқни яратди. Борлиқ гўё кўзгу бўлиб, Ҳақ жамоли, илму ҳикмати унда акс этади, жилоланади. Шундан ушбу таълимотнинг муҳим қисми бўлган тажаллий ғояси ҳам келиб чиқади. Мутлақ Рух – оламнинг жони, оламдаги барча ўзгариш, қонуниятлар, зиддият ва келишувлар, модданинг ҳаракати, жисмларнинг ўзаро алоқа-муносабати, мувозанат ва низомлар, тартиб-қоидалар, ўсиш-улғайиш ва емирилиш – ҳамма-ҳаммасида Ҳақ таолонинг иштироки, амри бор. Борлиқнинг энг кичик заррасидан коинотгача жами ашёлар Мутлақ Рух назорати, бошқаруви остидадир. Шу асосда бутун олам ягона Рухи Мутлақнинг иштироки билан мавжуд, борлиқ эса Рухи Мутлақقا боғлиқ ҳолдагина мавжуд. Демак, ҳақиқий ва абадий вужуд Унинг Ўзи, моддий олам эса – абадий әмас, у фоний ёки Мутлақ Рухнинг хаёли, холос” [11. С.3.].

Ибн ал-Арабийнинг ваҳдат ул-вужудий таълимотига биноан, Илоҳий Нур ўз табиат ва тақозосига кўра ашёларга бир хил ҳолатда, бир хил рангда тажаллий этади. Бу ўринда табиийки шундай бир савол туғилади: хилма-хиллик, ва ранг-барангликдан холи бўлган Илоҳий Нур қандай қилиб бир вақтнинг ўзида оламдаги барча турли ашёларда хилма-хил рангларда акс этиши мумкин?

Ибн ал-Арабий ва унинг издошлари бу саволнинг жавобини мантиқ ва тасаввур доирасида сиғдириш мақсадида табиий ҳодиса – Қуёшнинг нур сочиш ҳолатига мурожаат этиб, оламдаги мавжуд ашёларни шишаларга ўхшатганлар. Табиийки, Илоҳий Нур ақл-идрок билан тасаввур қилиб бўлмайдиган бир рангда – ўзининг ягона рангида устувор ва собит туради. У жуда ҳассос ва нозик, аммо ўзгарувчан әмас. У на шароитга қараб ўзгаради, на шароит уни ўзgartира олади. Аммо шишалар ҳар хил бўлиши мумкин. Уларнинг ранги, ҳажми, шакли, жойи, табиати, хуллас, хусусият ва моҳияти бир-биридан фарқ қиласи. Демак, уларда Илоҳий Нурдан тараладиган файзни қабул қилиш имконияти ва қобилияти ҳам ҳар хил бўлиши мумкин экан.



Ибн ал-Арабий фалсафасидаги “Аъёни событа” ҳақидағи назария қадимги юонон файласуфи – Афлотун (Платон)нинг “ғоялар дунёси” ҳақидағи назариясини эслатади. Афлотун үзининг “Тимей” номли асарида ҳеч қачон ўзгармайдиган, аммо мавжуд нарсалар билан бирга ҳар доим ўзгарадиган, бироқ ҳеч қачон мавжуд бўлмаган нарсалар ҳам бор, деб таъкидлайди. У “ҳеч қачон ўзгармайдиган” ва шу билан бирга “ҳар доим ўзгарадиган”, аммо аслида “мавжуд бўлмаган” нарсаларни “Эйдос”, яъни, “ғоялар” деб атайди. Афлотуннинг онтологик таълимотида “ғоя” юқори ва қуи кўринишларга ажратилади. Юқори “ғоя” ўзида “эзгулик” тушунчасини акс эттиради. Афлотун таълимотида “ғоя барча нарсаларнинг ибтидосидир, бошидир. Ғояни мавжудлик, нарсаларнинг ибтидоси деб қараш, кейинчалик диний қарашларга асос бўлгани учун ҳам баъзи дин арбоблари Платонни авлиё даражасига кўтардилар, унинг юқори, олий ғоя назариясини эса теологик таълимотга айлантирилар” [17. С.101.].

Афлотун “ғоя”лар ҳақидағи таълимотни гносеологик нуқтаи назардан ҳам кўриб чиқиб, инсон “олий ғояни била олмайди, уни Худо билиши, илоҳий ақл идрок этиши мумкин. Илоҳий ақл эса илоҳий ҳаётни, илоҳий куч мавжудлигини тақозо этади. Шунинг учун Худо нафақат илоҳий куч, у энг етук эзгулиқдир. Худо эзгулиқнинг айнан ўзидир. У нарсаларни, қуи ғояларни, борлиқни эзгулиқка йўналтириб туради” [17. С.101.], деган холосага келади. Шундай қилиб, “Платон ўз таълимоти Худо билан боғланишини очиқ қайд этади. Файласуфнинг Худони мавжудликнинг марказига қўйиши, ҳамма нарсада унинг иштироки, амри, ҳамиша борлиғини асослашга интилиши кейинчалик христианликка қўл келди” [17. С.101.]. Хуллас, ислом фалсафасидаги “аъёни событа” ва Афлотун таълимотидаги “ғоя”лар ҳақидағи назария ўртасидаги ўхшашликлар йўқ эмас. Масалан, “ғоя”ларнинг ўзгармаслиги уларнинг бир-бири билан боғланганлиги ва бир бутунни ташкил этиши [4. С.93.] ёки “юқори олий ғоя” (таққослаш учун: “аъёни событа”) ва “қуи ғоя” (“аъёни событа”нинг белгилари ва алломатлари) каби тушунчалар бу икки назария ўртасидаги ўхшашликдан дарак беради. Аммо бу ўхшашликлар ва умумиятларга асосланиб, уларни айнан бир нарса деб ҳам бўлмайди. Акс ҳолда, Афлотуннинг “ғоя”лар ҳақидағи назариясини ислом фалсафасидаги “аъёни событа” назариясининг ибтидоий кўриниши деб аташга тўғри келади. Нима бўлган тақдирда ҳам, Афлотун ва янгиафлотунчиларнинг (неоплатонизм) Худо ва борлиқ ҳақидағи қарашлари Ғарб фалсафасида янги бурилиш ясад берди ва фалсафа тарихида илк пантеистик қарашларнинг шаклланишига турткি бўлди. Жумладан, IX асрнинг буюк мутафаккири,



схоластик фалсафанинг йирик намояндаси Эриутена ўзининг пантеизм руҳи билан суғорилган, лекин фалсафий реализм йўналишида ёзган асари – “Табиатнинг бўлиниши ҳақида” номли асарида борлиқ ва йўқлик тушунчаларини “Табиат” тушунчасига киритиб, уни тўртга бўлади:

1. Яратилмаган ва яратувчи табиат – Худо. У мутлақ, баркамол бўлгани боис уни билиб бўлмайди.
2. Яратилган ва яратувчи табиат илоҳий ақл ёки логосдир. Унда маъно ва яратувчанлик характери мужассамлашган.
3. Яратилган ва яратмайдиган табиат. Бу макон ва замонда мавжуд бўлган нарсалар оламидир.

Хўш, ислом пантеизми – Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси асосчиси – Ибн ал-Арабий қарашлари ҳам ўрта асрлар Европа файласуфларининг қарашларида ўз аксини топганми ёки ҳеч бўлмаса, уларда қандайдир қизиқиш уйғота олганми? Масаланинг иккинчи томони ана шунда. Юқорида айтиб ўтилганидек, Ибн ал-Арабий Андалусияда туғилиб, тарбия топади, араб-испан маданиятидан баҳра олади, табиийки, христианлик дини ва Европадаги мавжуд фалсафий тафаккур тарихидан ҳам баҳраманд бўлади. Унинг тафаккуридаги Ғарб олами диний-фалсафий тафаккур тарзига ўхшашигининг сири ҳам ана шунда бўлса керак. Бошқа жиҳатдан, лотин ва бошқа Европа тилларига таржима бўлган араб-ислом маънавий мероси намуналари қаторида Ибн ал-Арабийнинг баъзи бир асарлари (ё асарларидан парчалар) ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас эди. Шундай бўлса керакки, Данте ўзининг “Илоҳий комедия”сида қайсиdir маънода Ибн ал-Арабий тафаккури доирасида фикр юритади. Жумладан, Жаннатнинг турли осмонларида энг яхши, олижаноб инсонларни жойлаштиради, ҳар бир сайёрани бирон-бир пайғамбар ёки авлиёга нисбат беради. Айнан шу усул ундан олдин Ибн ал-Арабийнинг “Фусус ул-ҳикам”ида ҳам ишлатилган. У “Фусус ул-ҳикам”нинг ҳар бир “фасс”ини Қуръони каримда зикр этилган муайян бир пайғамбар исми билан боғлайди. Пико Делла Мирандола эса ўзининг “Мавжудлик ва бирлик” номли асарида баъзи бир пантеистик гояларни ҳам баён этиб ўтади. Пиконинг пантеистик қарашлари марказида “Худо ва олам бир бутун ажралмас борлиқдир”, “Худо табиатдан ташқарида мавжуд бўлмайди, у доимо табиат билан бирга бўлади”, “Худо оламнинг охириги, якунловчи моҳиятидир [4. С.284.], деган ғоя ётади. Ибн ал-Арабийнинг Ваҳдат ул-вужуди тўрт босқичда талқин этилади:

1. Ҳақ таъоло Ягона ва Мутлақ Вужуддир.



2. Ҳақ таъолодан ўзга нарсалар аслида мавжуд эмас. Яъни, олам, ундаги мавжудотлар ва ашёлар, инсоният олами ва ҳоказони мавжудлик деб бўймайди. Чунки уларнинг мавжудлиги Мутлақ Вужуднинг мавжудлигига боғлик.

3. Оламдаги барча мавжудотлар, жумладан, инсоният оламининг борлиғи ҳам аслида Ҳақ таълононинг борлиғидир.

4. Олам ва ундаги мавжудотлар аслида ҳеч қандай борлиқ бўйлмайди, чунки улар Ҳақ таълононинг тажаллийси (эмансацияси) натижасида юзага келганлар.

Кўриниб турганидек, Пиконинг пантеистик қарашлари Ибн ал-Арабий фалсафаси даражасида системалаштирилган, муайян ва тартибга солинган назарий асосга эга бўлмаса-да, маълум даражада унинг хулосалаштирилган ҳамда узук-юлук ҳолда англашилган вариантини эслатади.

Нақшбандия тариқатида Ибн ал-Арабийнинг “Ваҳдат ул-вужуд” фалсафасига илк жиддий эътибор қаратган киши йирик нақшбандий шайх, улуғ мутафаккир Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий (ваф. х.к. 865/ м.1420 й.) бўлади. У Ваҳдат ул-вужуд ғояларини ўзининг “Фасл ул-хитоб” ва “Шарҳи Фусус ул-хикам” номли асарларида фаол қўллаган ҳамда Нақшбандия таълимотига мослаштириб давом эттиришга ҳаракат қилган. Ундан сўнг Нақшбандия тариқатининг ўз давридаги пири комили Хожа Аҳрор Валий (1404-1490) ушбу таълимотга алоҳида диққат-эътибор қаратиб, Ибн ал-Арабийнинг баъзи бир ғояларига изоҳ берган ва унинг қарашларининг Жомий томонидан шарҳланишига мойиллик кўрсатган. Нақшбандия таълимотининг йирик вакили, улуғ мутафаккир ва шоир Мавлоно Абдураҳмон Жомий (1414-1492) эса бутун умри давомида Ибн ал-Арабий фалсафий қарашларини чуқур ўрганиб, ўзининг қатор илмий ва адабий асарлари билан уларни Нақшбандия таълимоти доирасида тўғри талқин қилинишини таъминлаган.

Демак, Ибн ал-Арабий теологик-фалсафий таълимоти – Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг асл мазмун-моҳияти исломий Тавҳид ғоясига асосланган: бутун борлиқда ягона, ҳақиқий вужуд мавжуд ва у Ҳақ таолодир. Борлиқдаги бошқа мавжудотлар – моддий ва номоддий барча нарсалар ўз-ўзидан бор бўлган эмас, балки Ҳақиқий вужуд – Аллоҳ таоло томонидан яратилгандир. Яратилган нарсалар эса фоний бўлишга маҳкумдир. Яъни, бу мавжудотлар – табиат олами, инсоният олам, ҳайвонот ва наботот олами маълум бир вақтда яратилиб, муайян бир вақтда таназзул – сифатий ўзгаришга учрайди ва йўқ бўлади. Уларнинг мавжудлиги вақтинча, ноустувор, ўзгарувчан ва бир куни келиб, йўқликка учрайдиган ҳодисадир. Борлиқ Ҳақиқий вужуднинг



тажаллийси – эманацияси натижасида кўринишга эга бўлган воқейликдир. Ундаги кўринишга эга бўлган барча нарса ва ҳодисалар эса Ҳақ таоло сифатларининг тажаллийси натижасида юзага келган.

Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси таъсири “Андалусиядан тортиб то Индонезиягача бутун ислом олами минтақасини ўз ичига олган. Баъзи ҳолларда тасаввуф доирасидан ҳам чиқиб кетиб, калом ва фалсафа доираларидаги баҳс-мунозараларга ҳам уланиб кетган...” [13. С151.]. Унинг айниқса, Ваҳдат ул-вужуд ҳақидаги теологик таълимоти Яқин Шарқ ва Марказий Осиё минтақаларида кенг кулоч ёзди, ушбу минтақаларнинг нафақат диний-фалсафий тафаккурининг ривожига, балки араб, форс-тожик ва ўзбек тилларидаги мумтоз шеъриятнинг янада юксалиши, янги фалсафий-ирфоний ғоялар билан бойишига ҳам катта ижобий таъсир қўрсатди. Айтиш мумкинки, Ибн ал-Арабий таълимоти XIII-XVIII асрлар давомида бутун Мусулмон Шарқининг энг кучли фалсафий дунёқарааш тарзига, ҳатто айрим ҳолатларда, айниқса, Темурийлар даврида хукмрон диний-фалсафий мафкурага ва айни пайтда энг баҳс-мунозарали таълимотга айланди. Энг муҳими, Ҳанафия фикҳий мазҳаби доирасида шаклланган Хожагон-Нақшбандия таълимотининг назарий-илмий жихатдан мустаҳкамланишида асосий омиллардан бири сифатида хизмат қилди.

## **References:**

1. Бағдодий, И smoil Poishsho. Ҳадят ул-орифийн. 2-ж. – Истамбул, 1951.
2. Brockelmann, Carl. Geschichte Der Arabischen Litteratur, Volume 1 (German Edition). 2011. P. 571-582.
3. Бухорий, Салоҳ бин Муборак. Анис ат-толибийн ва уддат ас-соликийн. – Техрон. 1371.
4. Гуннар Скирбек, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. –Т.: "Шарқ", 2002.
5. Жаҳонгирий, Муҳсин. Муҳийиддин ибн Арабий чехраи баржастай ирфони исломий. – Техрон: Интишороти Донишгоҳи Техрон, 1375. Jahangiri, Mohsen. Mohyi al-din ibn `Arabi, The distinguished figure of Islamic Mysticizm. – Tehran University Press, 2004.
6. Жомий, Нуриддин Абдураҳмон. Лавоих. Тасҳех, муқаддима ва тавзехоти Яе Ришар. – Техрон: "Асотир", 1373.
7. Ибн ал-Арабий, Муҳийиддин. Ал-Футуҳот ул-Маккия, 3-жилд. Таҳқиқ: Усмон Яҳё. – Миср, 1392.
8. Комилов Н. Тасаввуф ёки Комил Инсон ахлоқи. 1-китоб. – Т.: "Ёзувчи", 1996.
9. Комилов Н. Ибн Арабий Абдураҳмон Жомий талқинида. / Жаъфар Холмўминов. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Т.: "Ўзбекистон



- Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.
- 10.Турап, Усмон. Тасаввүф тарихи. / Турк тилидан Нодирхон Ҳасан таржимаси. – Т.: “Истиқлол”, 1999.
- 11.Улудоғ, Сулаймон. Ибн Арабий. Таржумай Довуд Вафоий. – Техрон: Нашри марказ, 1384.
- 12.Шайхи Ақбар Мұхайдидин ибн Арабий. Ҳақиқат ул-хақойиқ. –Техрон: “Мавло”, 1382.
- 13.Шахристоний, Абулфатх. Милал ва ниҳал. 1-жилд. – Қоҳира, 1387.
- 14.Фарб фалсафаси. –Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик жамияти Бөш таҳрияти, 2004.
- 15.Холмұминов, Ж. (2008). Жомий ва вахдат ул-вужуд таълимоти [Джами и учение вахдат ал-вуджуд]/Масъул мұхаррир: Н. Комилов. Тошкент:«Ozbekiston milliy ensiklopediyasi, 232.
- 16.Халмұминов, Д. (2006, May). Влияние учения Ибн ал-‘Араби на развитию мистических аспектов суфийских орденов Центральной Азии. In *Суфизм в Иране и Центральной Азии. Материалы Международной конференции. 2-3 мая 2006 года г. Алматы* (р. 256).
- 17.Холмұминов, Ж. М. (2021). МОВАРОУННАХР ФАЛСАФИЙ-ИРФОНИЙ МАКТАБЛАРИ ВА ИБН АЛ-АРАБИЙ ТАЪЛИМОТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 803-811.
- 18.Kholmuminov, J. M. (2022). THE POSITION OF TASAVVUF AND IRFAN IN MAVERUNNAHR AND KHORASAN: IBN AL-ARABI AND ABDURAHMAN JAMI (A COMPARATIVE ANALYSIS). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(9), 76-92.
- 19.Холмұминов, Д. М. (2020). ВАХДАТ УЛ-ВУЖУД ТЕОЛОГИК ТАЪЛИМОТИ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ КОНСЕНСУС, 1(1).
- 20.Kholmuminov, J., & Narzulla, J. (2020). INFLUENCE OF VAHDAT UL-WOOJUDE PHILOSOPHY (UNITY OF BEING) ON NAKSHBANDIYA DOCTRINES Transformation processes and special features. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2), 297-307.
- 21.Холмұминов, Д. М. (2020). УЧЕНИЯ НАҚШБАНДИЯ И ФИЛОСОФИЯ «ВАХДАТ УЛ-ВУДЖУД»(ЕДИНСТВО БЫТИЯ). *Qazaqtany*, 74.
- 22.Kholmuminov Jafar Muhammadiyevich. (2022). COMPARATIVE SUFI STUDIES AS A METHODOLOGY FOR STUDYING THE HISTORY AND PHILOSOPHY OF SUFISM. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 11, 116–124.
- 23.Холмұминов, Ж. М., & Валиев, С. Ю. Ў. (2022). ИБН АЛ-АРАБИЙ-“ВАХДАТ УЛ-ВУЖУД” ТЕОЛОГИК-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИ АСОСЧИСИ. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 185-196.

- 24.Холмуминов, Д. М. (2022). “ҚИЁСИЙ ТАСАВВУФШУНОСЛИК”: МЕТОДОЛГИЯ ВА ФАН. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ КОНСЕНСУС, 3(2).
- 25.Абсатторов, Б. М. (2022). ТАСАВВУФ-ЎЗ-ЎЗИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШ ЙЎЛИ СИФАТИДА. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 167-173.
- 26.Nizomi, A. B. M., & Al-Khorazmi, K. A. O. (2022). Sufism as a way of self-implementation and knowledge of the truth. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 199-204.
- 27.Mukhammadievich, K. J., & Mamarasulovich, A. B. (2022). POSITION OF AL-FARABI AND IBN SINA IN THE CONFLICT OF PHILOSOPHY AND SUFISM. *Conferencea*, 46-56.
- 28.Mukhammadievich, K. J., Mamarasulovich, A. B., & Olimjanovich, X. A. (2022, December). THE POSITION OF AL-FARABI AND IBN SINA IN THE CONTROVERSY OF THE HISTORY OF PHILOSOPHY AND SUFISM. In *E Conference Zone* (pp. 17-25).
- 29.Qaxxarova, M., & Absattarov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. *The Light of Islam*, 2020(1), 110-115.
- 30.Абсаттаров, Б. М., & Юсупова, Н. А. (2020). Эволюция взглядов об этике, этических критериях и этических нормах. *Учёный XXI века*, (12-1 (71)), 75-81.
- 31.Absattarov, B. M. (2019). EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS. In *НОВАЯ НАУКА: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 135-141).
32. Absattarov, B. M. (2019). SPIRITUAL AND MORAL DEVELOPMENT OF THE PERSON IN MODERN WORLD. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 4(2), 167-173.